

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

(Давоми 3-бетда)

МУБАФФАҚИЯТИНГИЗ
КАСОЛАТИ

ЎЗБЕКИСТОН БУНУСКОМ

СТРОИТЕЛЬСТВО НЕЖИЛИЩ

КАПР АЗМАТ, АКТИВ РАБОТНИКНИ ИШГА САЎБИРИ

ЎЙНАДҲУ КУНАРИ ИШГА

+99871 244-21-71 +99871 244-21-71

uzbungodkor@mail.ru

2 ҚУТЛОВЛАР

Янги йил ҳаммамизга қутлуғ келиб, кўнгиллардаги эзгу тилаклар, барча режалар рўёбга ошсин! Омад, бахт, қувонч ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!



«O'ZSHAHARSOZLIK LITI»

ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ

жамоаси

жонажон Ватанимиз аҳлини,
шаҳару қишлоқларимиз
ободлиги йўлида
меҳнат қилаётган
барча ҳамкасбларимизни
кириб келаётган
Янги йил байрами билан
чип дилдан қутлайди.



Янги йил барчамизга янги омад,
қувонч ва ютуқлар олиб келсин!

«QISHLOQQURILISHLOYIHA» МЧЖ

бош лойиҳа-қидирув институти

жамоаси

барча ватандошларимизни, юртимиз ободлиги
ва гуллаб-яшнаши йўлида муносиб улуш қўшаётган
қурилиш соҳаси ходимларини яқинлашиб келаётган

Янги – 2019 йил

шодиёнаси билан самимий табриклайди.
Келгуси йил барчамиз учун ҳар томонлама омадли келиб,
қалбимиздаги эзгу тилакларимиз ижобат бўлсин!
Юртимиз янада равнақ топиб, халқимиз турмуши
бундан-да фаровон бўлсин!



ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН!

«ЎЗБЕККОМУНАЛЛОЙИХАҚУРИЛИШ» ДУК жамоаси

барча ҳамюртларимизни,
Ватанимиз тараққиётига муносиб
ҳисса қўшаётган қурувчиларни,
меъмору лойиҳачиларни
яқинлашиб келаётган

Янги – 2019 йил
айёми билан табриклайди.

Янги йилда байрамона
кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз
бўлиб, хонадонингиздан аҳиллик,
хотиржамлик ва файзу барака
асло аримасин!



«UZGIR» МЧЖ жамоаси

барча юрtdошларимизни
Янги йил байрами билан
самимий муборакбод этиб,
кириб келаётган

2019 йил

мамлакатимиз ва халқимизга
улкан муваффақиятлар
келтиришини тилайди.

Юртимиз ободлиги,
тараққиёти, халқимизнинг
бахт-саодати йўлида олиб
бораётган ишларингизда улкан
зафарлар ёр бўлсин,
азиз ватандошлар!





Бухоро шаҳридаги 4-к автомобиль йўлининг 3 километр масофасида мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси касаба уюшмалари Умумконфедерацияси аъзоси бўлди

Тошкентдаги «International» меҳмонхонасида Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси ижроия кўмитасининг сайёр йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раҳбарияти ва масъул ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари ва ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмалари раҳбарлари, шунингдек, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси ижроия кўмитаси раҳбарлари ва аъзолари, Арманистон, Беларусь, Озарбайжон, Тожикистон, Қирғизистон каби давлатларнинг касаба уюшмалари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси президенти Михаил Шмаков, Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси вице-президенти, МДХ ўрмон хўжалиги тармоқлари халқаро касаба уюшмалари федерацияси раиси Виктор Карношин ва бошқалар касаба уюшмалари фаолиятида халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг муҳим омили эканини таъкидлади.

Бугунги кунда жамоа шартномасида ҳодимлар ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида белгиланган тадбирларни бажариш учун республика бўйича бир нафар ходимга сарфланган маблағ миқдори ўртача 2,9 миллион сўмини ташкил этмоқда. Ҳодимлар меҳнатига муносиб иш ҳақи тўлиниши, хавфсиз меҳнат шaroитлари яратиши, улар меҳнати ва саломатлигини муҳофаза қилиш масалалари ҳам касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлмоқда.

– Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси ижроия кўмитасининг сайёр йиғилиши мамлакатимизда ўтказилиши катта аҳамиятга молик, – деди Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси матбуот хизмати раҳбари Мухаббат Ўрмонбекова. – Бу мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва федерация фаолиятига берилган юқори баҳодир.

Йиғилиш иштирокчилари Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси фаолиятининг асосий йўналишлари билан батафсил таништирилди. Хусусан, Ўзбекистон касаба уюшмалари томонидан беvosита корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатётган ҳодимлар ва уларнинг оила аъзолари ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, меҳнат соҳасидаги ижтимоий

шерикликни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга урғу берилди.

– Ўзбекистон касаба уюшмаларининг қонун ижодкорлиги соҳасидаги иштироки, бандликни таъминлашга қўмаклашиш, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнаткашлар, аynиқса, ёшлар ва хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, аҳоли билан қайта алоқани йўлга қўйиш йўналишларидаги фаолияти диққатга сазовордир, – деди Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси бош котиби Владимир Шербаков. – Мамлакатингизда касаба уюшмаларига бирлашиш эркинлиги тўла таъминланаётгани, меҳнат жамоаларида жамоа шартномаларининг амал қилаётгани, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясининг етакчи касаба уюшма ҳаракатлари билан халқаро ҳамкорлиги ривожланаётгани яхши самара беради.

Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси ижроия кўмитасининг сайёр йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг «Касаба уюшма ҳаракати олдидаги хизматлари учун» фахрий олтин нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги тaқлиф киритилди.

Ўзбекистон Республикаси меҳнаткашларининг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, умуммиллий миқёсда ижтимоий шерикликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон касаба уюшмалари нуфузини ошириш борасидаги улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Касаба уюшмалари Умумконфедерациясининг «Касаба уюшма ҳаракати олдидаги хизматлари учун» фахрий олтин нишони билан тақдирлаш тўғрисидаги тaқлиф бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Сайёр йиғилишда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерациясини Касаба уюшмалари Умумконфедерацияси аъзоллигига қабул қилиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди ва ушбу масала бир овоздан қўллаб-қувватланиб, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси касаба уюшмалари Умумконфедерацияси аъзоллигига қабул қилинди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА,
ЎЗА мухбири.

Йўл равонлиги – юрт ободлиги

Бухоро шаҳридаги 4-к автомобиль йўлининг 3 километр масофасида мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилмоқда.




Таъмирлаш ишларига Бухоро йўл куриш-таъмирлаш унитар корхонаси йўлсозлари жалб этилган. Айни кунларда йўл ости қуварлар кесилув тизимлари янгиланмоқда.

Тегишли дастурга мувофиқ, автомобиль йўлининг йўл қопламалари ҳолатини зарур даражага келтириш, марказ

зий кўчани тунги ёритиш тизими билан таъминлаш, пидедалар йўлакларини ободонлаштириш режалаштирилган.

Суратларда: таъмирлаш ишларидан лавҳалар.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА)
олган суратлар.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ЗОНАЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш аҳолиётини ўрганиш уларнинг самарали фаолият юритишига тўққинлик қилувчи тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Хусусан, маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятининг етарли самарали эмаслиги, шунингдек, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасининг суст ривожланганлиги инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишга тўққинлик қилмоқда ва эркин иқтисодий зоналарнинг салоҳияти инвесторлар учун жозибadorлигини пасайтирмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштиришда давлат бошқаруви органлари функцияларининг такрорланиши инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилишнинг кечикишига олиб келмоқда.

Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада соддалаштириш, инвестициялар жалб қилиш учун шарoитларни яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлаш, шу асосда янги иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли дарoмадларини ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки: инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун ер майдонлари ажратиш, туман (шаҳар) ҳокимининг ер майдонларини ажратиш тўғрисидаги алоҳида қарорисиз, маъмурий кенгашларнинг инвестиция лойиҳаларини танлаш ва амалга ошириш учун эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш тўғрисидаги баённомалари билан расмийлаштирилади;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шарти сифатида фаолият бошлангандан кейин иккинчи молиявий йили якунларига кўра икки йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан кам бўлмаган, кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда экспорт қилиш белгиланади. Мазкур шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектининг эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақоми ҳамда аввал тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳасини амалга ошириш бўйича маъмурий кенгашлар томонидан қарорлар бизнес-режалар ва техник-иқтисодий асосларга Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг «Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази» (кейинги ўринларда – Марказ) ДУКнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда қабул қилинади;

Марказнинг амалга оширилаётган лойиҳалар бизнес-режалари ёки уларнинг техник-иқтисодий асосномалари бўйича хулосалар бериш муддатлари йигирма календарь кунидан ошмаслиги лозим;

маъмурий кенгашлар томонидан ишлаб чиқариш лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича инвестиция бюрoтномаларини кўриб чиқиш муддати Марказ томонидан хулоса бериш жараяни билан бирга ўттиз календарь кунидан ошмаслиги лозим; эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари томонидан боғжона имтиёзлари қўлланган ҳолда импорт қилинган товарларнинг боғжона расмийлаштируви товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш натижалари бўйича Марказнинг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади;

товарлар рўйхатини ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш бўйича Марказнинг хулоса бериш муддати ўн беш календарь кунидан ошмаслиги лозим;

эркин иқтисодий зоналар қатнашчиларига берилган имтиёзлар фақат эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқарилган маҳсулотларга тaтбиқ этилади;

эркин иқтисодий зоналарнинг бош режалари маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси билан келишилган ҳолда тасдиқланади;

эркин иқтисодий зоналар дирекцияларининг директорларини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш маъмурий кенгашлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳар чоракда дирекция раҳбарларининг маъқулланган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши бўйича ҳисоботларини эшитида.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда «Навий» эркин иқтисодий зонаси фаолиятини энг яхши жаҳон тахрибасига асосланган ҳолда такомиллаштириш бўйича қўйидагиларни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини киритсин:

«Навий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси» ДУКнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини акциядорлик жамиятига ўзгартириб, унинг балансида «Навий» эркин иқтисодий зона ҳудудидаги муҳандислик-коммуникация тармоқлари объектларини давлат улуши сифатида, шунингдек, «Навий» эркин иқтисодий зонасининг барча ер майдонларини доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш;

«Навий» эркин иқтисодий зонаси дирекцияси томонидан эркин иқтисодий зона иштирокчиларига, шу жумладан, маркетинг, консалтинг, лoгистика, коммунал-مائий, меҳмонхона, таълим, суғурта ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш;

«Навий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида соддалаштирилган виза режими ва ходимларни, шу жумладан, чет эл фуқароларини ишга ёллаш тартибини жорий қилиш;

эркин иқтисодий зона қатнашчилари учун лицензия ва рухсатнома олишнинг соддалаштирилган тартибини жорий қилиш. Бунда «Навий» эркин иқтисодий зонаси дирекциясига қатнашчини кузатиш ва талабгорнинг маъла талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш ваколати берилади;

«Навий» эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси лойиҳаларни жойлаштириш шартларини бажармаган тақдирда у билан тузилган шартномани фақатгина суд тартибда бекор қилиш тартибини ўрнатиш;

«Навий» эркин иқтисодий зонаси ҳудудида чет эл фуқаролари учун қулай яшаш ва меҳнат шарoитларини яратиш.

3. Қўйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитасига:

инвестицияларни, шу жумладан, хорижий инвестицияларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жалб қилиш; эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида ишга туширишга тўққинлик қилаётган сабабларни аниқлаб, юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш чораларини кўрган ҳолда, лойиҳаларнинг бажарилиши ва иштирокчилар фаолияти самарadorлиги устидан доимий мониторинг олиб бориш;

б) Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига:

инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудида зарур шарт-шарoитлар яратиш, шу жумладан, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-مائий ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашуви ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ролини белгилаш ва шу асосда лойиҳаларни танлаб олишнинг аниқ мезонларини, берилаётган имтиёзлар ҳамда давлат қўмағининг бошқа шакллари билан белгилаш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига: маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолиятини мувофиқлаштириш ва мониторинг қилиш;

эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни амалга оширувчи инвесторлар учун янада қулай шарт-шарoитларни яратиш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотни экспортга етказиб беришни қўлайитириш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш юзасидан белгиланган тартибда тақлифлар киритиш;

эркин иқтисодий зоналар дирекциялари фаолияти устидан таъсирчан назорат ўрнатиш, вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органларига ҳамда эркин иқтисодий зоналар дирекциялари зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларнинг бажарилишини таъминламаган раҳбарларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш тўғрисида тақлифлар киритиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг иштирокчиси мақоми тўхтатиш ёки бекор қилиш, маъмурий кенгашлар, эркин иқтисодий зоналар дирекциялари ёки бошқа органлар ва ташкилотларнинг инвесторлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни бажармагани тўғрисидаги тақдимномалари асосида маъмурий кенгашларнинг хўжалик юрutiвчи субъектларни эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорларини бекор қилиш;

г) Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва тaшқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси бўлиналарига: эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ва фаолият кўрсатиши, уларнинг ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш юзасидан вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалий ёрдам кўрсатиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли бўлиналари раҳбарларининг, шунингдек, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари биринчи раҳбарларининг мазкур Фармонда белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботларини ҳар чоракда эшитиш бўйича жавобгарлик юклансин.

4. Эркин иқтисодий зоналар дирекцияларига ўз ҳудудларининг бош режалари ва архитектура-режалаштириш ишларини ишлаб чиқишда бюрoтмачи сифатида иштирок этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Қўйидагилар: 2019 йилда эркин иқтисодий зоналарнинг автомобиль йўллари, сув таъминоти ва канализация тармоқларини куриш ва таъмирлаш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда – «Йўл харитаси») 1-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгашларининг янгиланган намунавий таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси:

а) Иқтисодиёт вазирлиги билан бирга 2019 йилнинг 1 апрелига қадар қўйидагиларни назарда тутувчи Эркин иқтисодий зоналарни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда – Концепция) лойиҳасини ишлаб чиқсин ва киритсин;

эркин иқтисодий зоналарнинг ихтисослашуви, инвестиция лойиҳаларини танлаб олишнинг аниқ мезонлари, берилаётган имтиёзлар ва давлат қўмағининг бошқа шакллари билан белгилаш;

инвесторларни жалб қилиш мақсадида эркин иқтисодий зоналар ҳудудида зарур шарт-шарoитлар яратиш, шу жумладан, муҳандислик-транспорт инфратузилмаси, ижтимоий-مائий ва маданий-жамоатчилик объектлар билан таъминланганлик даражасини яхшилаш;

эркин иқтисодий зоналарнинг бошқариш тизимини, шу жумладан, дирекциялар фаолиятини тaшқиқ этишда ягона стандартларни белгилаш, кўрсатилаётган хизматларнинг рўйхатини кенгайтириш, шунингдек, эркин иқтисодий зоналар дирекцияларини тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий компанияларга ишончли бошқарувга бериш йўли билан такомиллаштириш;

б) Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари фаолиятини тaшқиқ этиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, унда эркин иқтисодий зоналарнинг вазирлик, идоралар, ташкилотлар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлиги тартибини назарда тутсин;

в) маъмурий кенгашлар ва эркин иқтисодий зоналарнинг дирекциялари билан биргаликда икки ой муддатда: самарасиз фойдаланилаётган ер участкаларини қайтарган ҳолда, эркин иқтисодий зоналар иштирокчилари билан ердан фойдаланиш шартномаларини қайта кўриб чиқиш ёки қўшимча лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига ердан оқилноа фойдаланиш бўйича «Йўл хариталари»ни ишлаб чиқиш;

эркин иқтисодий зоналарнинг белгиланган муддатларда инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни бошламаган иштирокчилари билан келишувларни бекор қилиш;

қисқа муддатларда ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни ҳисобга олиб, қолоқ лойиҳалар бўйича тармоқ жадвалларини тузишни таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

бюрoтмачилар томонидан бирламчи маълумотларни Интернет тармоғи орқали рақамли имзодан фойдаланган ҳолда киритиш, шунингдек, лойиҳаларни муайян мезонлар асосида қатъий белгиланган аниқ автоматик алгоритм бўйича баҳолаш имконини берадиган, эркин иқтисодий зоналар ҳудудида лойиҳаларни амалга ошириш учун аризаларни маъмурий кенгашлар томонидан кўриб чиқишнинг электрон тизимини;

эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг ишлаб чиқариш қувватларини ўз вақтида ишга тушириши, маҳсулотларни экспорт қилиши, янги иш ўринлари яратиши ҳамда инвестициявий мажбуриятларни бажариши устидан тезкор назорат олиб бориш имконини берувчи эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган тизимини;

мазкур Фармон талаблари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 октябрдаги «Эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари фаолияти самарadorлигини ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3356-сон қарори 12-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси эркин иқтисодий зоналари ягона порталининг янгиланган версиясини ишлаб чиқсин ва жорий этсин;

д) Иқтисодиёт вазирлиги ва Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йилнинг 1 мартига қадар эркин иқтисодий зоналар бўйича қабул қилинган қонунчилик базасини хатловдан ўтказсин ва тўғридан-тўғри амал қиладиган «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунли лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин ва унда ушбу Фармон қоидалари ҳамда кейинчалик ўз кучини йўқотадиган Ўзбекистон Республикасининг «Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Қонунли нормаларини назарда тутсин;

е) Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилга мўлжалланган Инвестиция дастурини шакллантиришда «Йўл харитаси»да белгиланган чора-тадбирларни молиялаштиришни назарда тутсин;

7. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Ўй-жай коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Автомобиль йўллари давлат кўмитаси, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда:

бир ой муддатда эркин иқтисодий зоналар учун инфратузилмаларни барпо этиш бўйича ҳукумат қарорларининг амалий ижросини тақил қилсин, зарур ҳолларда, молиялаштириш кўрсаткичлари ва манбаларини қайта кўриб чиқсин ҳамда ҳар бир эркин иқтисодий зона кесимида Инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурини тасдиқласин;

икки ой муддатда ҳар бир эркин иқтисодий зона бўйича муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини босқичма-босқич куриш тармоқ графикаларини тасдиқласин, уларнинг ишлаб чиқариш объектиларини куриш ва ишга тушириш муддатлари билан боғланишини таъминласин.

8. Қўйидагилар зиммасига: Иқтисодиёт соҳаларини ривожлантириш, инвестиция ва тaшқи савдо сиёсатини амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг ўринбосари Г. К. Саидовага – вазирликлар, идоралар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг эркин иқтисодий зоналарнинг ривожланиши ва ишлаши, шунингдек, уларнинг ҳудудида инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Д. Р. Лига – Марказ томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида амалга оширилмаган лойиҳаларнинг бизнес-режалари ёки техник-иқтисодий асослари бўйича хулосалар ўз вақтида берилиши;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат кўмитаси раҳбарлари С. Р. Холмуродов, С. Х. Бекенов, Л. Ш. Қўлатовага – маъмурий кенгашлар томонидан эркин иқтисодий зоналар ҳудудида ишлаб чиқаришни жойлаштириш учун инвестиция бюрoтмаларининг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва инвестиция лойиҳаларини эркин иқтисодий зоналар ҳудудида жойлаштириш бўйича қарорлар ўз вақтида қабул қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси ўй-жай коммунал хизмат кўрсатиш вазирли М. Х. Салиева, «Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси У. М. Мустафоев, «Ўзтрансгаз» АЖ бошқаруви раиси Б. Б. Ғишмуродов, «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бош менежери-муҳандиси Х. Н. Хасилов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ҳокимларига – тaшқи инфратузилмаларни куриш ва уларга эркин иқтисодий зоналар иштирокчиларининг уланishi ҳамда ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун электр энергияси, табиий газ, сув ҳамда

Чемпионга
Президент совғаси

Жорий йил юртимиз спортчилари учун жуда омадли бўлди. Улар қатор халқаро турнирларда муносиб иштирок этиб, кўплаб совринларни кўлга киритдилар.



Хусусан, Индонезиянинг Жакарта шаҳрида шу йилнинг 6-13 октябр кунлари ўтказилган III Параолимпия ўйинларида юртимиз вакиллари муносиб иштирок этишди. Бунда, айниқса, сузмиш бўйича спортчиларимизнинг маҳоратларини алоҳида таъкидласа арзийди. Кувонар-лиси, мазкур совриндорлар орасида қашқадарёлик сув спорти устаси, Қарши давлат университетининг 3-курс талабаси Шохсанам Топшўлатова ҳам бор.

Янги йил арафасида спортчининг кувончи оламга сиғмаётгани аниқ. Бойси, унинг спортдаги ютуқлари давлатимиз раҳбари томонидан юксак тақдирланди. Қарши шаҳри Исмоил Каримов кўчасида бунёд этилган кўп қаватли уйларнинг бириддан унга икки хонали хонадон Президент совғаси сифатида тўхфа қилинди.

— Муҳтарам Президентимиз яқинда Қашқадарё воҳасига қилган ташрифлари чоғида мен билан учрашиб, ютуқларимни муносиб тақдирладилар, — дейди чемпион биз билан суҳбатда. — Албатта, менга билдирилган юксак эътибор ва ишонч учун Президентимизга миннатдорлик билдираман. Жонажон Батанимиз шарафи учун бундан-да юқори натижаларни кўлга киритишга, жаҳон шохсупаларида миллий байроғимизни янада баландроқ кўтаришга бор куч ва маҳоратим билан ҳаракат қиламан.

Хонадон калити чемпионга кенг жамоатчилик иштирокида тантанали равишда топширилди.

Сайид МЕЙЛИЕВ,
«O'zbekiston bunyodkori»
мухбири.

Тошкент қурилиш коммунал касб-хунар коллежида мазкур таълим маскани ўқувчилари ҳамда юртимизда кўплаб замонавий турар жой объектларини барпо этаётган йирик компаниялардан бири — «Murad Buildings» хусусий корхонаси раҳбари Мурод Назаров иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

«Murad Buildings» раҳбари
ўқувчилар билан учрашди

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, жумладан, ёшларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш, уларга ўз ғоялари ва лойиҳаларини рўйбга чиқаришга кўмаклашиш, ёшларнинг тажрибали мутахассислар салоҳиятидан фойдаланишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида ташкил этилган тадбирда 240 нафар ўқувчи, шунингдек, коллеж раҳбарияти, билим юртида фаолият юритаётган устоз-мураббийлар қатнашдилар.

Анжуманни коллеж директори Нусират Норов очиб бериб, кейинги йилларда юртимизда қурилиш соҳаси ва мазкур соҳага етук мутахассисларни етказиб берувчи таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, шаҳар ва қишлоқларда бунёд этилаётган уйлар, аҳоли фаворонлигини янада яхшилаш учун барпо этилаётган ижтимоий объектлар, мамлакатимиз ҳукумати томонидан ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллашига қаратилган эътибор ҳақида сўз юритди.

Тадбирда сўз олган М. Назаров тадбиркорлик фаолиятига қўйган дастлабки қадамлари, «Murad Buildings» компаниясининг ташкил этилиши тарихи, қурилиш корхонаси томонидан бунёд этилаётган ва келгусида барпо этилиши режалаштирилаётган турар жой



мажмуалари ҳақида маълумот берди. Қурилиш соҳасида рўй бераётган янгилар билан ўртоқлашиб, маҳорат дарси тақдиротини ўтказди.

Бевосита мулоқот давомида ўқувчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб берган тадбиркор-қурувчи орзулари лиммо-лим ёшлар, жумладан, келажакда хусусий қурилиш компанияси, лойиҳа ташкилотлари фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган йигит-қизларга омад тилади.

Абдусамад АБДУНАЗАРОВ,
Тошкент қурилиш коммунал
касб-хунар коллежи директорининг
Маънавий-маърифий ишлар
бўйича ўринбосари.

Мўъжиза яратаётган бинокорлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги «Обод қишлоқ дастури тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида жойларда катта ҳажмдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Биргина Самарқанд вилоятида 29 та қишлоқ ва маҳаллада бажарилган юмушлар мисолида бу фикрнинг ёрқин аксини кўриш мумкин. Бугун Самарқанднинг йўлдош шаҳарчалари — Кимёгарлар, Фарҳод, Шириндаги ободончиликни кўриб, қалбингиз кувончга тўлиши шубҳасиз.

Ширин кўрғончаси аслида саноат зонасида жойлашгани боис аҳолининг яшаш шароити, кундалик турмуши узоқ вақт давомида назардан четда қолиб келган. Вилоят ҳокимининг ташаббуси

билан жорий йилда шаҳарнинг ана шу кўрмисиз, хароб манзилнинг обод қилишга қарор қилинди. Ҳозирда ушбу маскан чинакам шаҳар қиёфасига кириб, ўз жамолини кўрсата бошлади. Бу ердаги ҳар бир бино ишлаб чиқариш корхонаси, маданий-маиший иншоот, турар жой, шунингдек, кўча ва хибон қайта таъмирлангани, замон талаблари даражасидаги шинам қиёфага киргани барчага кувонч бағишламоқда. Кишиларда келажакка ишонч уйғотмоқда. Айниқса, маҳалланинг ташландиқ, чиқиндиларга

тўла майдони ўрнида бир-бирдан бажирим, чиройли янги мактаб ва мактаб-гача таълим муассасалари бунёд этилган аҳолий чексиз мамнун этди. Узиға хос дизайнға эға 75 ўринли мактабгача таълим муассасасида болажонлар учун яратилган қулайлик, шарт-шароит ҳар қандай кишининг ҳавасини келтиради. «Арқ дизайн» МЧЖ лойиҳаси асосида «Улугбек капитал қурилиш» хусусий корхонаси томонидан бунёд этилган ушбу объектга ишчи-хизматчиларнинг нафақат меҳнатлари, балки қалб кўри, меҳрларини бағишлагани сезилиб турибди.

Дарҳақиқат, мазкур боғчани бунёд этишға астойдил киришдик, — дейди қурувчилар сардори Ёрқин Мирзиёев. — Мухими, ходимларимиз ҳар бир безак ва буюм оригинал кўринишда бўлиши

учун чинакам жон қуйдирдилар. Бунда Комилжон Абдуразақов, Абдуқаҳор Жабборов, Нурали Давронов, Рашид Қўчқоров, Абдуғани Мирзонов, Муҳаббат Ҳасанова каби усталарнинг хизматини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

— Мен шу кўрғончада 35 йилдан буён истиқомат қиламан, — дея суҳбатга қўшилди Дилбар опа. — Узим Сурхобга диспансерида ишлаб нафақага чиқдим. Айни пайтда тўрт фарзанднинг онаси, 12 неваранинг бувижонисиман. Шу вақтга қадар маҳаллаимиз аҳли бунчалик ардоқланмаган, шинамликка етишмаган эди. Бугун бизнинг кувончимиз чексиз. Хукуматимизга раҳмат, деймиз. Ажойиб қурувчиларга ҳам чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Ҳамза ШУКУРОВ,
«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.

Украшаем дом на праздник

Идеи для новогоднего декора: как украсить дом на Новый год

Задумались о новогоднем дизайне? Не знаете, как украсить комнату на Новый год своими руками?

Пора заняться сбором интересных идей! Чем ярче и разнообразнее будет дизайн вашей комнаты, тем точнее вы сможете передать всю красоту праздника в Новогоднюю ночь. Новогоднее украшение дома не должно быть спонтанным и необдуманным: заранее подготовьте все материалы, спроектируйте планировку, позаботьтесь о том, чтобы для каждого аксессуара нашлось свое место в интерьере. Создание гармоничного и приятного дизайна на новогоднюю тематику — это несложно, но и этот процесс требует подготовки.

Самые яркие и стильные украшения можно не только приобрести в магазине, но и сделать своими руками, используя подручные материалы. Давайте создадим сказочную обстановку вместе!

Новогодний декор квартиры начинается с выбора материалов, подходящих для создания торжественной обстановки. Если речь идет об украшении елки, то в голову приходят стандартные украшения, которые можно приобрести практически в каждом магазине перед праздником: стеклянные и пластиковые игрушки, гирлянды, дождик, мишура.

Но можно ли подчеркнуть стильный и яркий новогодний интерьер с помощью других материалов? Можно и даже нужно!



— **текстиль.** Поскольку ткань может деформироваться, позавесьте ее на твердой основе или используйте фетр: из этих материалов можно пошить елочные игрушки или гирлянды с элементами на новогоднюю те-

матикой. Из мягкой ткани можно пошить объемные игрушки; — **украшения.** Кто сказал, что обычные бусы и сережки нельзя использовать как элемент декора? Небольшие аксессуары прекрасно подойдут для украшения маленьких искусственных елочек, а бусины с ненужных украшений можно применить в дизайне свеч, подсвечников, статуэток, елочных венков; — **шишки** — довольно распространенный вариант для создания декоративных аксес-

— **конфеты, печенье и фрукты.** С помощью съедобных слоев можно оформить праздничный стол или гирлянды, развешанные по комнате. Любой материал можно задействовать в декоративных целях. К примеру, из нитей и клея можно создать объемные композиции в виде звезд или снежинок — и повесить под потолок. А из обычной бумаги или картона выйдут отличные рисунки для оформления стен и окон.

Проявите фантазию и не

бойтесь реализовывать самые смелые идеи. Совет: решая, как украсить дом на Новый год своими руками, не забывайте о гармоничном расположении аксессуаров.

Оттенки и форма украшения тоже играют немаловажную роль: всего должно быть в меру, поэтому рассредоточьте аксессуары по комнате, придерживайтесь единого стиля в дизайне и старайтесь не сочетать сразу несколько броских элементов оформления.

Узнайте, как украсить новогодний стол и какие особенности оформления и сервировки праздничного стола следует учесть.

Чтобы вам не пришлось переделывать работу по несколько раз, заранее спланируйте, в каком месте и как будет создаваться новогодняя атмосфера. Позаботьтесь о том, чтобы не только мебель, но и разные поверхности в доме были украшены празднично: это касается стен, окон, дверей, потолков, подоконников, отдельных ниш и выступов, каминных зон.

Желательно, чтобы украшение дома на Новый год было выполнено в едином стиле и не характеризовалось чрезмерным изобилием противоречивых оттенков: самыми удачными в таком дизайне считаются белый, коричневый, золотистый и желтый цвета.

С таким декором Новый год точно запомнится надолго! В вашей комнате будет по-домашнему тепло и уютно, а яркие аксессуары и украшения, переливающиеся и искрящиеся под бликами, подчеркнут торжественность вашего интерьера.

По материалам
Интернета.


10 самых долгожданных
построек в мире

Список архитектурных проектов грядущего года неизбежно будет состоять из рекордов: строится самое высокое здание в Европе, самый большой в мире терминал аэропорта (Стамбул), первый в Шотландии Музей дизайна и т.д.

Небоскребы, конечно, составляют основную часть «меню» суперпостроек (такие, как нью-йоркские башни от мастерских Ренцо Пьяно и Ричарда Роджерса). Самый высокий жилой небоскреб в индийском Мумбаи также примет первых жителей. Сразу несколько башен в Китае смогут войти в список десяти самых высоких зданий мира. В Лондоне откроются сразу 10 станций новой железнодорожной линии Crossrail.


Предлагаем ознакомиться с ними.

Zaha Hadid в Макао:
отель Morpheus



Девелоперы описывают проект как «первое в мире высотное здание свободной формы с экзоскелетом». Скульптурной формы отель, расположенный в комплексе City of Dreams, имеет большие, текущие проемы, а наружная сетка экзоскелета, опутывающая железобетонное ядро, обеспечивает поперечную устойчивость всей конструкции.

Kengo Kuma & Associates:
V&A Museum of Design
Dundee



Новое здание филиала Музея Виктории и Альберта призвано возродить набережную шотландского города: предполагается, что первый в Шотландии Музей дизайна за год привлечет около 350 000 посетителей. Его выложенные камнем наклонные фасады должны напомнить о выступающем из воды утесе.

Renzo Piano Building
Workshop:
565 Broome Soho




565 Broome Soho — один из жилых комплексов, входящих в общую концепцию новой застройки Манхэттена. Следом за Музеем американского искусства Уитни (Whitney Museum of American Art), завершением в прошлом году, первый жилой проект Ренцо Пьяно уже возвышается над Фримен-плаза, на въезде в тоннель Холланда. В двух 30-этажных башнях размещены 115 апартаментов, цены на который начинаются от 970 000 долларов за студию.

Grimshaw Architects, Nordic
Office of Architecture,
Haptic Architects и Scott
Brownrigg




Официальное открытие было приурочено к Дню Турецкой Республики. Новый аэропорт сможет принять рекордное для действующих портов число пассажиров. Самый большой в мире терминал объединен сводчатой кровлей, в его решении использованы мотивы исторической архитектуры Стамбула.

Büro Ole Scheeren:
Guardian Art Center




Пикселированные объемы арт-центра продиктованы окружением и напрямую отсылают к историческому «Запретному городу», расположенному совсем рядом в Пекине. Цоколь поддерживает монолитный, как бы «выдолбленный» объем, позволяющий наполнить светом музейные пространства, зону мероприятий и развлекательный центр.

Heatherwick Studio:
Coal Drops Yard



В рамках проекта регенерации лондонского района Кингс-Кросс студия Томаса Хизервика трансформирует два заброшенных склада викторианской эпохи в общественные и торговые пространства. Их остроконечные крыши получают «взлетающие» продолжения, которые сформируют навесы над мощеным двором в сердце комплекса.

Rogers Stirk Harbor +
Partners: 3 World Trade
Center



Последним зданием Всемирного Торгового Центра в Нью-Йорке станет 80-этажная башня, спроектированная лондонским офисом Питрикервского лауреата Ричарда Роджерса. Ее подиум вместит торговые помещения, а уступчатый и потому менее массивный, основной объем займут офисы и биржевые операционные залы.

Kettle Collective:
Лакта Центр

Массивный многофункциональный комплекс на берегу Финского залива строится вокруг самого высокого небоскреба Европы в Санкт-Петербурге. Видовая площадка на высоте более 365 метров позволит наслаждаться панорамами Питера и окрестностей. Строительство завершено в октябре 2018 года, ведутся работы по обустройству деловых и общественных зон. Открытие состоится примерно через год, когда комплекс будет полностью готов к приему гостей.


Pei Cobb Freed & Partners:
World One

World One станет самым высоким зданием в Индии и самым высоким жилым зданием в мире. Интерьеры для 117-этажной башни разрабатывает Джорджио Армани, в ней разместятся 290 апартаментов, бассейн, тренажерный зал, центр здоровья и даже площадки для крикета.

Heneghan Peng Architects:
Grand Egyptian Museum

В Гизе лишь частично откроется самый большой археологический музей в мире. Проект многострадальный: работы продолжают уже много лет, открытие несколько раз переносилось, а общая стоимость объекта уже превысила 1 миллиард долларов. Повторяющийся мотив треугольника, конечно же, отсылает к форме знаменитых пирамид.

Подготовила
Дильфуза ХАБИБОВА.



Янги йил ҳаммамизга қутлуғ келиб, кўнгишлардаги
эзгу тилаклар, барча режалар рўёбга ошсин!
Омад, бахт, қувонч ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!

ҚУТЛОВЛАР 5

Фарғона вилояти қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси

барча ватандошларимизни кириб
келаётган

Янги йил айёми

билан самимий қутлайди.

Умримиз дафтарига янги саҳифа бўлиб
очиладиган 2019 йил унутилмас
хотиралар билан тўлсин!
Ўйлаган барча орзуларимиз
рўёбга чиқсин!

Сурхондарё вилояти қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси

Ўзбекистон аҳлини яқинлаштиб келаётган

Янги йил байрами

билан муборакбод этади.

Ана шундай шўққули кунларда барча юрtdошларимизга
сизхат-саломатлик тилаймиз.

Хонадонларимиздан меҳр-оқибат, файзу баҳрака ариласин!
Домло осмонимиз мусарффо, юртимиз тинч бўлсин!

Навоий вилояти қурилиш соҳасида худудий назорат инспекцияси жамоаси

мамлакатимиз аҳолисини
яқинлаштиб келаётган

Янги йил шодиёнаси

билан тадбирқилайди.

Барчангизга омад ва бахт тилаймиз.
Қалбингиздан қувонч, дастурхонингиздан
файзу баҳрака ариласин!

«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК

Қашқадарё вилояти филиали
жамоаси

жаннатмонанд диёримиз аҳлини
эшик қоқиб турган
Янги йил айёми билан самимий
муборакбод этади.

2019 йил

барча ватандошларимиз
учун омадли бўлишини,
кўнгишлардаги эзгу тилаклар
ижобатини тилаймиз.

Юрт равнақи ва ободлиги йўлида
амалга ошираётган ишларингизда
омад ёр бўлсин!

6 ҚУТЛОВЛАР

Янги йил ҳаммамизга қутлуғ келиб, кўнгиллардаги эзгу тилаклар, барча режалар рўёбга ошсин! Омад, бахт, қувонч ҳаммаша ҳамроҳ бўлсин!



Тошкент шаҳар қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси жамоаси

*меҳнатсевар, бунёдкор халқимизни
яқинлаштиб келаётган*

Янги – 2019 йил

билан табриклайди.

*Барчага узок, қир, бахт, саодат,
юрт равнақи йўлидаги эзгу
ишларингизда куч-қувват ва
муваффақиятлар тилаймиз.
Байрамингиз муборак, азизлар!*



QISHLOQQURILISHBANK

*Барча юртдошларимизни
кириб келаётган*

Янги – 2019 йил

*билан самимий муборакбод
этамиз!*

*Сизларга мустаҳкам
соғлиқ, оилавий бахт,
тинчлик ва фаровонлик
тилаймиз!*



**ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ
ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:**

“Инсон манфаати” –

омонат муддати – 13 ойдан 25 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 19 %.

“Жонажон Ватан” –

омонат муддати – 7 ойдан 13 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 17 %.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фоизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

*Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги
омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*

“Қишлоқ қурилиш банк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!

(78) 150-72-58, 150-93-39

www.qqb.uz

«Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» ДУК Андижон вилояти филиали жамоаси

мамлакатимиз аҳлини яқинлаштиб келаётган

Янги – 2019 йил

билан самимий қўтлайди.

Янги йил юртимиз учун янги

таракқиёт ютуқларини олиб келсин!

*Жонажон Ватанимиз тинч, меҳнатсевар, бунёдкор
халқимиз ҳаммаша омон бўлсин!*

Сообщение Центрального банка Республики Узбекистан

Центральный банк Республики Узбекистан установил с 25 декабря 2018 года следующие курсы иностранных валют к суму для ведения бухгалтерского учета, статистической и иной отчетности по валютным операциям, а также исчисления таможенных и других обязательных платежей *)

- 1 АҚШ доллари – 8339,55
- 1 ЕВРО – 9479,57
- 1 Россия рубли – 120,91
- 1 Англия фунт стерлинги – 10532,85
- 1 Япония иенасы – 74,99
- 1 Жанубий Корея вонни – 7,39
- 1 Кувейт динари – 27466,16
- 1 Малайзия ринггити – 1995,59
- 1 Канада доллари – 6132,92
- 1 Хитой юани – 1207,79
- 1 Сингапур доллари – 6067,33
- 1 Швейцария франки – 8381,46
- 1 БАА дирҳами – 2270,87
- 1 Миср фунти – 466,94
- 1 Австралия доллари – 5864,37
- 1 Туркия лираси – 1568,44
- 1 СДР – 11570,04
- 1 Украина гривнаси – 304,98
- 1 Польша злотийси – 2210,62

*) Курсы установлены без обязательств Центрального банка Республики Узбекистан покупать или продавать валюты по данному курсу.

**O'ZBEKISTON
BUNYODKORI**
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

Муассис: «ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ»
Наشريёт уйи МЧЖ

Бош директор – Дилшод Жалолов

Тахрир хайъати:
Ботир Закиров (Тахрир хайъати раиси),
Шухратходжа Хашимов, Козим Тулганов,
Эркин Искандаров, Ботир Зарипов, Юлдаш Мағрупов,
Бўрибой Бекмурзаев, Ғолибжон Маджидов,
Қудратбек Хошимбеков, Обиджон Носиров.

Тахририят:
Бош муҳаррир
Бош муҳаррир ўринбосари
Саҳифаловчи
Мусоҳиҳ

Дилшод Жалолов
Абдулмуллик Утманов
Акмал Махкамов
Дилфуза Хабибова

Тахририят ҳамкорлари:
Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги,
«Ўзқурилишматериаллари» АЖ, «ЎзГАСҲКЛИТИ» ДУК,
«ЎзшаҳарсозликЛИТИ» ДУК, «ЎзгеорангметЛИТИ»
ДУК, «Қишлоқ қурилиш инвест» ИК МЧЖ, қурилиш ва
лойиҳалаш институтлари.

Тахририят манзили:
100011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй,
Телефонлар: (қабулхона) 71-244-21-71 (қотибият)
71-244-05-15 (факс), 71-244-15-13 (бухгалтерия) 71-244-22-10
(реклама ва обуна бўлими) 71-244-21-71, 71-244-40-68 (факс).
E-mail: uzbyunyodkor@mail.uz

Вилоят муҳбирлари телефон рақамлари:
Андижон, Наманган ва
Фарғона вилоятлари бўйича: 90-278-95-87.
Қашқадарё вилояти бўйича: 90-720-33-03.
Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти бўйича: 93-466-74-84.
Самарқанд вилояти бўйича: 95-560-30-45.

Газета 2018 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва
ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466. Бўртма – Г-1207.
2470 нусхада босилди. Қўғоз бичими А-2.
Ҳажми – 3 табоқ, офсет усулида босилган.
Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди
ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета тахририят компьютер марказида терилди
ва саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан
сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси масъул.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри, «Буюқ Тўрон» кўчаси, 41.
Навбатчи муҳаррир – Д. Жалолов.
Навбатчи – Ш. Хўжаев.
ЎЗА яқини – 23.15. Топирилди – 00.15.